

Н.Қ. Йўлдошев

ЯНГИ ТАЛАБЛАРГА БИНОАН МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Переход в 2-х этапную систему подготовки научно-педагогических кадров в нашей стране требует коренного изменения требований к магистерским диссертациям, так как множество магистерских диссертаций, которые были защищены раньше, не отвечают новым требованиям.

В статье автором приведены необходимые предложения и требования, имеющие научно-практическое и теоретическое значение, которые отвечают новым требованиям при подготовке качественной магистерской диссертации

Transition in 2-step (Master's and Doctor's) system of the preparation of academic-pedagogic staff in the country demands the root changes in establishing the requirements of the Master's Dissertations, because most of the previously defended Master's Dissertations do not meet the new standard requirements.

In the article it is depicted the essential offer and recommendations, that have academic-practical and theoretical significance, which can meet the new requirements and goals by the author.

Калим сўзлар: диссертация, назарий ва амалий билим, тадқиқот услуги, таълим, фараз, илмий раҳбар, магистр.

Айрим магистрлик диссертациялари куруқ баёнчиликдан иборат бўлиб, мавзуга оид ҳолат, жараёнлар тахлили юзаки берилган, баъзи диссертацияларда рақамлар камдан кам ҳоллардагина учрайди. Керакли рақамларни келтирмай туриб, иқтисодий аҳвол ёки жараённинг боришини тасвирлаб бериш мумкинми?

Бизнинг фикримизча мумкин эмас, чунки рақам ишлатмай ҳатто бадий асар ёзиш ҳам амри маҳол. Мисол учун кундалик турмушда ҳамма дуч келадиган ҳолат - таржимаий ҳолни рақам ишлатмасдан тушунтириб бериш мумкинми? Биргина туғилган санасини рақамлардан фойдаланмай тушунтириб бериш учун узундан узоқ гаплар билан изоҳлаш зарур бўлади, шунда ҳам туғилган йилингизни аниқ айтиб бера олмайсиз. Ёки инсон саломатлигини рақамларсиз баҳолаш мумкинми? Саломатликнинг энг оддий кўрсаткичлари бўлган тана ҳарорати, қон босими, қон таркибини рақамларсиз қандай аниқлаш мумкин? Асло мумкин эмас. Шунга қарамай иқтисодиёт соҳасида ўқиётган талабаларнинг битирув-малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларида рақамлар борган сари камайиб бораяпти. Бундай ҳолатни соғлом тенденция деб бўлмайди.

Рақамлар табиий, ижтимоий жараёнларни, ҳолатларни акс эттирувчи сонлардан иборат бўлиб, турли кўрсаткичларни ифодалайди. Кўрсаткичлар эса ижтимоий турмуш ёки иқтисодий ривожланиш борасида эришилган натижаларнинг муайян миқёсларда, маълум ўлчов бирлигида олинган миқдорий ўлчамлардир. Иқтисодий кўрсаткичлар ўз мазмунига кўра қиймат ва натурал, абсолют ва нисбий, миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади.

Қиймат кўрсаткичлари пул бирликларида ҳисобланади ва турли маҳсулотлар, моддий харажатларнинг умумлашган қийматини ифодалайди. Бундай кўрсаткичларга ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, асосий ва айланма фондларнинг қиймати, моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ялпи ва соф маҳсулоти, капитал қўйилмалар, қурилиш-монтаж ишлари, чакана товар айланмаси ҳажми, иш ҳақи фонди, маҳсулот таннархи ва бошқалар киради.

Натурал кўрсаткичлар маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларидан келиб чиқиб, жисмоний бирликларда ўлчанади. Масалан, кўмир қазиб олиш тоннада, газ қазиб олиш кубометрда, газмол ишлаб чиқариш узунлик метрида, уй жой қуриш квадрат/метрида, кўриқ ерларни ўзлаштириш гектарда, сут соғиб олиш литрда ўлчанади.

Кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ бўлиб, турли ҳолатларни акс эттиради. Масалан, ўтган йили экспорт ҳажми 20 млн., жорий йилда 25 млн. доллар бўлди деган 2 та абсолют рақамга эгамиз дейлик. Бу рақамлар асосида жорий йилда экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 25% га ортганини кўрсатувчи нисбий кўрсаткич келиб чиқади.

Агар экспорт таркибини акс эттирувчи натурал маълумотларга эга бўлсакчи? Масалан, ўтган йили 100 тонна пахта толаси, 200 тонна рангли металл; 300 тонна полиз маҳсулотлари, жорий йилда эса 120 тонна пахта толаси, 180 тонна рангли металл; 200 тонна полиз маҳсулотлари, 1000 метр газлама, 2000 дона телевизор, 10 та илмий – техник ихтиро экспорт қилинди, деган маълумотларга эга бўлсакчи? Унда экспорт динамикасини ҳар томонлама акс эттирувчи аниқ хулосалар чиқариш имкони туғилади:

1. Экспорт қилинган ҳар бир маҳсулот тури бўйича ўсиш ёки қисқариш аниқланади.

2. Экспорт диверсификацияланиб, янги маҳсулотлар ҳисобига кенгайгани маълум бўлади.

3. Экспорт таркиби ижобий томонга ўзгараётгани, хом – ашё салмоғи пасайиб, саноат маҳсулотлари, интеллектуал меҳнат маҳсулотларининг салмоғи ўсиб бораётгани маълум бўлади.

Абсолют кўрсаткичлар иқтисодий фаолият миқёсларини акс эттириб, қиймат ва натурал кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин. **Нисбий кўрсаткичлар** эса фаолият сифатини акс эттиради ва абсолют кўрсаткичларга нисбатан аниқланади. Улар индекслар, коэффицент, фоизларда ифодаланади.

Буларга меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, фонд сифими, маҳсулот бирлигининг таннархи, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, аҳоли жон бошига товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқалар киради.

Табиий ва ижтимоий жараёнларни акс эттирувчи турли кўрсаткичлар ўзаро сабаб-оқибат боғланишида бўлиб, боғланиш турлари ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан **функционал боғланиш**, функционал боғланиш тўғри ёки тескари пропорционал бўлиши мумкин.

Корреляцион боғланиш. Бунда омил кўрсаткичи билан натижавий кўрсаткич ўртасидаги боғланиш коэффиценти нолдан катта, бирдан кичик бўлади. Агар корреляция коэффиценти нолга тенг бўлса, бу кўрсаткичлар

ўртасида боғланиш йўқлигини кўрсатади. Корреляция коэффициенти 1 га тенг бўлса, бу функционал боғланиш бўлади.

Абсолют кўрсаткичлар одатда иқтисодий аҳвол ёки ҳолатнинг **миқдорини**, нисбий кўрсаткичлар эса **сифатини** очиқ беради. Бунга ҳаётий мисоллар жуда кўп. Ривоят қилишларича, Тай қабиласининг улуғи Хотам бир куни саҳрода адашиб, бадавий ўтовиди меҳмон бўлибди. Бадавий уни меҳмон қилиш учун бисотидаги ягона қўйини сўйибди. Хотам бадавийни меҳмонга чақириб, 20 та қўй сўйибди. Сарой аёнлари Хотамнинг саховатини юксак баҳолаб, уни мақташибди. Бунга жавобан Хотам: саховатпешаликда бадавий мендан улуғроқ, чунки у бойлигининг ҳаммасидан, мен эса бойлигимнинг бир қисмидангина кеча олдим деб жавоб берган экан. Демак, нисбий кўрсаткичлар турли ҳолатларни, натижаларни солиштириш асосида чуқурроқ, кенгроқ хулоса чиқариш имконини беради.

Ўтган асрнинг таниқли иқтисодчиларидан бири “Ишчан иқтисодчи сафсатабозлик қилмайди, балки рақамлар, фактларни ўрганиб, хато бу ерда, уни бундай тузатиш керак деб кўрсатиб беради” деган эди. Француз мутаффакири Дидро **“нарсалар қандай бўлиши лозимлигини билган ақлли, нарсалар амалда қандайлигини билган тажрибали, уларни қандай қилиб яхшилашни билган донодир”** – деб таъриф берган. Бинобарин, магистрлик диссертациясини ҳимояга олиб чиқаётган тадқиқотчи ўзи ўрганган масала бўйича донолик даражасига етган бўлиши керак.

Янги талабларга биноан магистрантнинг ўқиш даврида олган назарий ва амалий билимлари, таълим дастурларини ўзлаштириш натижалари, талаба бажарган илмий-тадқиқотнинг якуний ифодаси бўлиб ҳисобланадиган магистрлик диссертацияларига қўйиладиган талаблар мазмунан тубдан кучайтирилади.

Ҳар бир диссертацияда муайян илмий янгилик, янги илмий - назарий хулосалар, муаммоларнинг янги ечимлари бўлиши ва улар тадқиқот жараёнида ўтказилган тажриба - синовлар натижасида исботини топган бўлиши лозим.

Диссертацияларнинг намунавий мавзулари кафедраларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув йили бошланишигача шакллантирилади. Диссертация мавзулари бўйича вазирликлар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, компаниялар, йирик корхоналар буюртмалар бериши мумкин. Мавзулар буюртмачилар билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси ректорати томонидан тасдиқланади.

Диссертацияларнинг мавзулари олий таълим муассасасида шартнома ва лойиҳалар бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг бир қисми бўйича ҳам шакллантирилиши мумкин.

Диссертация мавзуси долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифани ечишга бағишланган, шунингдек мутахассисликка мос бўлиши лозим.

Диссертацияга илмий раҳбарлик олий таълим муассасаси профессори, фан доктори, доценти ёки фан номзоди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва илмий

марказлар олимлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилари томонидан амалга оширилади.

Диссертация мавзуси ва диссертацияга илмий раҳбар талабанинг диссертация мавзусини тасдиқлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш тўғрисидаги аризаси ҳамда тегишли кафедра тақдимномасининг факультет илмий кенгаши томонидан кўриб чиқилиши натижасига кўра 1-ўқув йилининг октябр-ноябр ойларида олий таълим муассасасининг ректори буйруғи билан расмийлаштирилади.

Диссертацияга талаба ўқиётган олий таълим муассасасидан бошқа ташкилотлардан илмий раҳбар тайинланган ҳолда, кафедра аъзоларидан бири кафедра мудури томонидан мазкур талабага илмий маслаҳатчи этиб тайинланади.

Илмий маслаҳатчи диссертацияни белгиланган талаблар бўйича бажарилиши учун илмий раҳбар билан бир хилда масъул ҳисобланади.

Битта профессор ёки фан доктори бештагача, шунингдек битта доцент, фан номзоди, мутахассис ёки амалиётчи учтагача диссертацияга раҳбарлик қилиши мумкин.

Диссертацияларнинг мавзулари тасдиқлангандан ва илмий раҳбарлар тайинлангандан сўнг 1 ой муддатда улар ҳақидаги маълумот талабалар фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда диссертация мавзулари қисқача мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

Илмий раҳбар вазифаларига қуйидагилар киради:

- талабанинг иш режасини тузишда унга ёрдам бериш;
- талабага тизимли равишда маслаҳатлар бериб бориш учун тегишли жадвални тузиш. Бунда илмий раҳбар талабага ҳафтасига камида 1 марта маслаҳат бериши кўзда тутилиши лозим;
- тадқиқот услубларини танлаш ва уларни қўллашда талабага қўмаклашиш;
- талаба томонидан иш режани бажарилишини назорат қилиш ва талабани баҳолаб бориш;
- дастлабки ҳимоя санасидан камида 3 кун олдин диссертацияга ёзма тақриз бериш.

Диссертация мавзуси ва илмий раҳбарнинг ўзгартирилиши талабанинг уларни ўзгартириш сабаблари асослантилган ёзма аризаси асосида олий таълим муассасасининг ўқув-услугий кенгаши қарори билан амалга оширилади ва олий таълим муассасасининг ректори буйруғи билан янги диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тайинланади.

Диссертация мавзусини ўзгартиришда илмий раҳбарнинг розилиги ҳисобга олинади.

Ўзгартирилган диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тўғрисидаги маълумот 1 ҳафта муддатда талабалар фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда диссертация мавзулари қисқача мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

Диссертация қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

- титул варақ;

- икки тилдаги диссертациянинг қисқача аннотацияси;
- мундарижа;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- иловалар.

Диссертациянинг кириш қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;
- тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши;
- тадқиқот мақсади ва вазифалари;
- тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;
- мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили;
- тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи;
- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- диссертация таркибининг қисқача тавсифи.

Асосий қисм камида 3 бобдан иборат бўлиб, бунда тадқиқот масалалари тўлиқ ёритилиши лозим.

Асосий қисмнинг боблари ҳажм жиҳатидан ўзаро муносиб бўлиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- тадқиқот мавзуси бўйича бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлилини;
- талаба томонидан олиб борилган таҳлилий ишларнинг тавсифи, тадқиқот олиб боришда қўлланилган услублар ҳамда тадқиқот воситаларнинг баёнини,
- диссертацияда талабанинг таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиёт, ижтимоий ёки бошқа соҳаларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қўшган шахсий ҳиссасини,
- тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамасини.

Диссертациянинг хулоса қисмида барча қисмларда баён этилган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот муаммосининг ечими кўрсатилиши лозим.

Диссертациянинг илова қисмига унинг мазмун моҳиятини тушуниш учун қўшимча сифатида қаралувчи маълумотлар киритилади. Бунда илованинг ҳажми диссертация умумий ҳажмининг 1/3 қисмидан ошмаслиги лозим.

Диссертацияда талабалар профессионал этика қоидаларини бузилишига йўл қўймасликлари лозим.

Диссертациянинг ҳажми титул варағи, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 80 бетдан ошмаслиги лозим.

Диссертация талаба ўқиган тилда ёзилиши мумкин. Чет тилда бажарилган диссертацияга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда дастлабки ва расмий ҳимоялар таржима билан ўтказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазири 2012 йил 29 октябрда тасдиқлаган Магистратура тўғрисидаги Низом.
2. В поисках новой теории: Книги для чтения по экономической теории с проблемными ситуациями: Учебное пособие/ Под ред. А.Г.Грязновой и Н.Н.Думной. – М:КНОРУС, 2009. 179 с.
3. Грант Р.М. Современный стратегический анализ. 5-е изд./ Пер. С англ.- СПб.: Питер, 2008. -560 с.
4. Н.Қ. Йўлдошев, В.И.Набоков. “Менежмент назарияси” ТДИУ, 2012 йил.